



# O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2015-yil, 3-mart. Seshanba 25 (31.928)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

## «БИЗ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОД ҲОТАМЖОН КЕТМОНОВНИНГ ДАСТУРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ»



Феррух АЛИЕВ олган сурат.

### ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАР УЧРАШУВИ

## ИШ ЎРНИГА ЭГА БЎЛИШ

турмуш даражасини юксалтиришнинг муҳим омили

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН НОМЗОД ҲОТАМЖОН КЕТМОНОВНИНГ ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАРИ ЖОЙЛАРДА САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР ЎТКАЗМОҚДА.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУННИНГ 29-МОДДАСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДНИНГ ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛГАН. ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАР НОМЗОДГА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИНИ ЎТКАЗИШДА ЁРДАМ БЕРАДИ, ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРАДИ.

2

Юқори сифатли ва мақбул тиббий ёрдамдан кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш муҳим масаладир. Айниқса, олис қишлоқ ҳудудларида бирламчи тиббий ёрдамдан қулай ва тез фойдаланиш имкониятини таъминловчи қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини кенгайтириш бўйича чоралар кўриш зарур.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ҲОТАМЖОН КЕТМОНОВНИНГ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДАН

### 2015 ЙИЛ — КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

## Ёши улуғларни улуғлаган юрт

*Умр киприк қоққунча ўтиб кетаркан, дейишса, авваллари бунини шунчаки маҳобатга, шоирона лутфга йўяр, кўп ҳам эътибор бермас эдик. Лекин ёш бир жойга бориб қолганда бундай гаплар, мақол-маталлар замирида катта мазмун, теран фалсафа, умрни совурмаслик, беҳуда ўтказмасликка огоҳ борлигини кенгроқ англаб, чуқурроқ ўйлар экансан.*

Ёшлик — югурик дарё экани, тез оқиб, ўтиб кетишини кимлар сезади, англайди, кимлар сезмайди, англамайди, уни энг гуллаган чоғ деб билганлар, донишмандлар ўғитини қулоққа илганлар бу паллада илм маҳзанини йиғишади, касб-хунар ўрганишади, иш, ўқишга зўр беришади, оила қуришади, фарзанд тарбиясига киришади, ҳар

жабҳада фаол бўлишга интилишади. Қирққа, қирчиллама ёшга киргач, ҳам билакка, ҳам билимга таяниб, бор истеъдоди, куч-ғайрати, тажрибаси, маҳоратини ишга солиб, ким бунёдкорликда, ким сўзда, ким созда салмоқли ютуқларни қўлга киритади.

► Давоми 3-бетда.

## Ўзбекистон Республикаси Президенти САЙЛОВИ — 2015



29 МАРТ

26

КУН ҚОЛДИ

## ОШКОРАЛИК — БОШ МЕЗОН

Термизда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимини янада ошириш ва участка сайлов комиссиялари ишини самарали ташкил этиш масалаларига бағишланган семинар-тренинг ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 9-Сурхондарё округ сайлов комиссияси аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, Термиз шаҳридаги участка сайлов комиссияси аъзолари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 9-Сурхондарё округ сайлов комиссияси раиси А.Аҳмедов, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси О.Абдуназаров ва бошқалар мамлакатимизда сайловларни халқаро мезонларга тўла мос ўтказиш учун барча ҳуқуқий асослар яратилганини алоҳида таъкидлади.

Вилоятда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини миллий қонунчилигимиз доирасида очик ва ошқора ўтказиш учун кизгин ҳозирлик кўриляптир. Воҳада 708 сайлов участкаси ташкил этилиб, фуқароларнинг Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқларидан фойдаланиши учун барча шароит яратилмоқда. Сайловни юқори савияда ташкил этишнинг муҳим бўғини бўлган участка сайлов комиссиялари аъзоллигига эл орасида обрў-эътиборга эга, сайлов қонунчилигидан хабардор кишилар жалб этилган.

Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 44 участка сай-

лов комиссияси фаолият юритмоқда. Айни пайтда сайлов участкаларини жиҳозлаш, сайловчилар рўйхатини шакллантириш ишлари ниҳоясига етказилаптир.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддасида участка сайлов комиссиясининг ваколатлари алоҳида белгилаб қўйилган, — дейди Термиз шаҳридаги 251-участка сайлов комиссияси раиси Ш.Саъдуллаев. — Шунга мувофиқ, сайловчилар рўйхатини шакллантириб, овоз бериладиган бино ва сайлов қутиларини ҳозирлаб қўйдик. Она ва бола, тиббиёт хоналари миллий қонунчилигимизда белгиланган талаблар асосида жиҳозланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари иш фаолиятини ташкил этиш, комиссияларни молиялаштириш масалалари хусусида ҳам атрофлича сўз юритилди. Иштирокчиларга сайлов жараёнида маҳаллий ва халқаро кузатувчиларнинг ўрни, сайлов кампаниясининг очик ва ошқоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг роли, муддатидан олдин овоз бериш тартиблари тўғрисида маълумотлар берилди.

Шундай семинар-тренинглар вилоятнинг барча туманларида ўтказилмоқда.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,  
ЎЗА мухбири.


### ПАРТИЯНИНГ САЙЛОВ ШТАБЛАРИДА

## Сайловга тайёргарлик уюшқоқлик билан олиб борилмоқда

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 29 МАРТИДА МАМЛАКАТИМИЗДА БЎЛИБ ЎТАДИГАН МУҲИМ СИЁСИЙ ЖАРАЁН — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА ҲАМ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.

2

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:



Президент сайлови ҳақида саволим бор



«Битирувчилар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш уларнинг келажакка ишончини мустаҳкамлаш демакдир»





# КУЧЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ!

2015 йил 29 март, якшанба —  
 Ўзбекистон Республикаси  
 Президенти сайлови куни



Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод  
**Ҳотамжон Кетмоновга овоз беринг!**



## ВАТАН ҲИМОЯСИ — ОЛИЙ ШАРАФ!

Шу кунларда юртимизда ҳарбий хизматни ўтаб, Куролли Кучлар сафидан захирага бўшатилаётган аскарларни тантанали кутиб олиш маросимлари бўлиб ўтмоқда.

## АСКАР УЙИГА ҚАЙТДИ



Кун кеча Нукус шаҳридаги ҳарбий қисмларда муддатли хизматни якунлаб, уйлари-га қайтган аскарларни пойтахтимиздаги марказий темир йўл вокзалида Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, ота-оналар кутиб олди.  
 — Бугунги кун бутун умр ёдимда қолади, — дейди **оддий аскар Анвар ШАРИПОВ**.  
 — Бизни катта эҳтиром билан кутиб олишди. Армия мен учун ҳақиқий маънода тобланиш мактаби бўлди. Ҳарбий хизмат давомида чиникдим, ҳаётга, яқинларимга бўлган меҳр-муҳаббатим яна ҳам ортди.  
 — Неварам Музаффарни катта соғинч ва ҳаяжон билан кутиб олдик. — дейди нафақахўр **Ҳожақбар ЯМИНОВ**. — Анча улғайибди. Ҳарбий хизмат давомида билимини ошириб, имтиёзли тавсиянома олибди. Энди ўқишга кирмоқчи. Набирам ҳарбий хизматдан юзимишни ёруғ қилиб қайтганидан жуда ҳам қувондик.

Абдусалим МАХМУДОВ,  
 «Ўзбекистон овози» муҳбири.

## «УМИД НИҲОЛЛАРИ — 2015»

# ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Мамлакатимиз мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Умид ниҳоллари — 2015» мусобақаларининг финал босқичи Урганч шаҳрида ўтказилди.

Спортнинг ўн етти тури бўйича баҳс олиб борилган улкан спорт байрамига ҳам икки ойдан ортиқроқ вақт қолди.

Шу муносабат билан бугунги кунда Хоразм вилоятининг барча туманларида ўнлаб замонавий спорт майдонлари, заллари қуриб ишга туширилди. Урганч шаҳрида эса ўтган бир йил

давомида «Ёшлик» спорт мажмуаси бунёд этилди. Бу мажмуа «Ёшлар спорт шаҳарчаси» деб аталади.

Мусобақаларга мезбонлик қилаётган спорт иншоотларида сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. «Жанубгаз-қурилиш» акциядорлик жамияти ва унинг қошидаги пудрат-

чи корхоналарнинг беш юз нафарга яқин ишчи-хизматчилари томонидан «Ёшлик» спорт мажмуасига кирувчи ёпиқ сув ҳавзаси, гимнастика зали, кураш, бокс, оғир атлетика, футбол майдонларида якуний ишлар бажарилапти. Урганч олимпия захиралари коллежи, УрДУ қошидаги 2-сон академик лицей спорт зали, гимнастика ва теннис масканлари, ёпиқ ва очик теннис кортлари ҳам қайта таъмирланиб, тайёр ҳолга кел-

тирилди. Иштирокчилар яшайдиган ётоқхоналарда барча шароитлар яратилади, тиббий хизмат кўрсатиш хоналари, овқатланиш жойлари, ҳамма-ҳаммаси аъло даражада ташкил этилишига ҳаракат қилинмоқда.  
 Мусобақаларнинг асосий қисми ўтказилган ёпиқ манеж бизнес атрофида кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Рўзимбой ҲАСАН,  
 «Ўзбекистон овози» муҳбири.

## ТАДБИР

# БИТИРУВЧИЛАР ЯРМАРКАСИ

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан бакалавр ва магистрларни ишга жойлаштириш мақсадида таълим муассасалари билан корхона ва ташкилотлар ўртасида икки томонлама шартномалар имзоланиб келинмоқда. Яқинда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидан иш берувчилар иштирокида «Битирувчилар ярмаркаси» ўтказилди.

— Бундай тадбирлар ўзининг ижобий самараларини бермоқда, — дейди **ЎзДЖТУ маркетинг бўлими мудири Сайёра Атаханова**. — 2013-2014 ўқув йили натижасига кўра, битирувчиларимизнинг 86 фоизи муқим иш жойларига эга бўлишди. Биз иш берувчилар билан шартнома имзоланганидан кейин талабаларимизнинг иш билан таъминланганликларини ҳам назорат қиламиз ва бу ҳақда вазирликка маълумот берамиз.

— 2014-2015 ўқув йили битирувчилари ярмаркасида 60 дан зиёд турли вазирликлар, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлар халқ таълими бошқармалари, ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари, корхона ва ташкилотлар вакиллари иштирок этди. Тадбирнинг биринчи кунини инглиз тили, рус филологияси, таржима назарияси ва амалиёти факультетидан жами 720 нафар, яъни 70 фоиз талаба билан шартнома имзоланган бўлса, иккинчи кун халқаро журналистика, роман-герман (немис, француз, испан тиллари) филологияси факультетларининг 260 нафар, яъни 90 фоиз талабалари ўзларига маълум келган касб йўналишларини танладилар.

Бундан ташқари биз мукамал замонавий билимларга эга бўлган битирувчиларимизга эҳтиёжи бўлган корхона, ташкилот ва муассасаларга талабнома беришларини сўраб мурожаат қилганимиз. Мазкур йўналишдаги ишлар бундан буён ҳам давом этади.

Нурулло ТУРСУНОВ  
 ёзиб олди.

Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида Ўзбекистон халқ шоири Зулфияхоним таваллудининг 100 йиллигига бағишланган «Вафо ва садоқат куйчиси» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Унда адабиётшунос олим Адҳамбек Алимбеков, филология фанлари номзои Хулқар Ҳамроева ва пойтахт мактабларининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчилари иштирок этишди.

# Вафо ва садоқат куйчиси

Анжуманни мазкур институт ректори, педагогика фанлари доктори, профессор Норбек Тайлоқов очди.

— Эл ардоғидаги етук ижодкор, моҳир таржимон, атоқли ношир — муҳаррир ва жамоат арбоби, бир қатор халқаро мукофотлар совриндори Зулфияхонимнинг таваллуд кунини бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланмоқда, — деди у. — Бу эса ёш авлод қалбига она Ватанга, миллий адабиётимизга ҳамда буюк аждодларимиз яратган бой маънавий меросга садоқат туйғуларини уйғотишда муҳим аҳамият касб этади.

Улуғ шоирамизнинг адабиётимиз ва маданиятимиз тараққиётига кўшган улкан ҳиссаси, унинг вафо ва садоқатга тўла ҳаёт йўли бугунги ёшларимиз учун ибрат мактабидир.

Тадбирда шаҳар мактаблари ўқувчилари томонидан шоиранинг «Хотирам синиклари» дostonидан сахна кўриниши ҳамда Ҳамид Олимжон ва Зулфия шеърлари асосида яратилган кўшиқлар ижро этилди. Айниқса, Зулфияхоним шеърларининг рус, корейс, япон ва инглиз тилларида янграши йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Ўз муҳбиримиз.

## ОБ-ҲАВО 3-4.03 — 2015

### Юртимиз бўйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

-2 / +3 +10 / +15

Бухоро ва Наманган вилоятлари

+2 / +7 +12 / +17

Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари

+2 / +7 +12 / +17

Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари

+2 / +7 +12 / +17

Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари

+1 / +6 +10 / +15

Тошкент шаҳри

+2 / +4 +12 / +14



### Дунё бўйлаб (°C)

Лондон	+8 / +10
Париж	+12 / +9
Москва	+3 / +2
Мадрид	+19 / +13
Пекин	+4 / +7
Канберра	+29 / +31
Рим	+19 / +17
Афина	+19 / +16
Токио	+12 / +18
Стокгольм	+3 / +4
Кейптаун	+38 / +25
Қоҳира	+23 / +23
Гаяна	+29 / +30
Вашингтон	+6 / +12

## MUASSIS:



O'ZBEKISTON  
 XALQ DEMOKRATIK  
 PARTIYASI  
 MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

## TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxonasi — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56  
 E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:  
 100000, Toshkent,  
 Matbuotchilar  
 ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.  
 Korxonani manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
 Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 359  
 20995  
 Nashr ko'rsatkichi — 220  
 t — Tijorat materiallari  
 nusxada  
 O'zA yakuni — 23.30  
 Topshirilgan vaqti — 23.30

Sotuvda kelishilgan nroxda

Navbatchi:

Nurullo OSTONOV  
 Sahifalovchi-dasturchilar:  
 Zafar BAKIROV  
 Behzod ABDUNAZAROV



1 2 4 5 6